

## Минбарга чиққанда салом бериш ва хутба вақтида ортиқча ҳаракат қилмаслик



08:54 440

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا قُمْتُمْ إِلَى الصَّلَاةِ فَاغْسِلُوا وُجُوهَكُمْ وَأَيْدِيَكُمْ إِلَى الْمَرَافِقِ وَارْتَدُوا عَلَى أَرْجُلِكُمْ وَلِبَاسِكُمْ طَهْرًا وَلَا أَسْأَلُكُمْ بِاللَّذَلَّةِ الْبَعْضُ لِمَا لَمْ يَكُن لَكُمْ بِهِ عِلْمٌ اللَّهُ يَخْتَارُ مَا يُؤْتِيهِ يَكُونُ حُكْمًا وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон минбарга чиқсалар, салом берар эдилар».

*Ибн Можа ва Шофеъий ривоят қилишган.*

هُلِّلَا يَضَرَّ رَءْيِيَّ رَهْ يَبَا نَع  
هُلِّلَا يَلَّصَّ يَبِّنَلَا نَع ، هُنَّ ع  
أَضَوْتُمْ « : لَأَقَمَّ لَسَوِ هَيْلَع  
يَتَأْمُثَ ، ءَوْضُؤَلَا نَسْحَافُ  
عَمَّتْ سَأُو أَنْ دَفَّ عُمُّجَلَا  
هُنِّيَبَ أَمْ هَلَّ رَفُغَ ، تَصُنَّأُو  
ثَالَتُهُ دَائِي زَوْ عُمُّجَلَا نِيَبَو  
دَقَفَ أَصْحَلَا سَمَّ نَمَوِ مَّيَّأُ  
مَلَّسُمَوِ يَذْمُرْتَلَا هَأَوِر . «أَعْل

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким яхшилаб таҳорат қилса-ю, сўнгра жумага бориб, яқинроқ жойга ўтирса, тингласа, жим турса, унинг бу билан ўтган жума орасидаги ва яна зиёда уч кунлик (гуноҳлари) мағфират қилинади. Ким майда тошларни тўғрилаб олса, ортиқча иш қилибди», - дедилар».**

*Термизий ва Муслим ривоят қилишган.*

Имом Нававий раҳматуллоҳи алайҳ айтадилар: «Яхшилаб таҳорат қилса»дан мурод «ғусл қилса» деганидир, чунки покликнинг энг

мукаммали ғуслдир».

Таҳорат чоғи унинг фарз, вожиб, суннат ва мустаҳабларига қатъий риоя қилиш, ҳаром ва макруҳларидан батамом сақланиш талаб этилади.

Аллоҳ таоло жума кундаги фазилатли ва савобли ишлар боис ўн кунлик кичкина – сағира гуноҳларни кечиради. Жуманинг фазли ва баракаси сабабли инсон гўзал одоб ва чиройли хулқлар билан безанади, қалбида иймон нури жўш уради.

هُلِّلَا يَضَرَّ رَءْيَاهُ يَبْأَنَعُ  
هُلِّلَا يَضَرَّ يَبْنَلَا نَعُ، هُنَعُ  
كِبِحَاصِلَ تَلْقَ إِذَا: لَأَقُ هُنَعُ  
مَامِلَاو، تِصْنَا: عُمُجَلَا مَوِي  
هُأَوْر. «تَوَعَلْ دَقْفُ بَطْخِي  
ةَسْمَخُلَا

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жума куни имом хутба қилаётганида шеригингга «Жим тур!» десанг, беҳуда иш қилган бўласан», – дедилар».**

*Бешовлари ривоят қилишган.*

«Беҳуда иш қилган бўласан»дан мурод: ажрдан ноумид бўлибсан, гапирган ҳисобига ўтибсан, хато қилибсан, жуманинг фазилатини кетказибсан, жумадан пешиннинг савоби билан чиқибсан...

Умар розияллоҳу анҳу айтадилар: «Жума намози икки рақъатдир. Мукамалдир, қаср эмасдир. Буни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам эълон қилдилар. Ким бундан бошқача йўл тутса, ёлғон тўқибди» (Аҳмад ривоят қилган).

**Имом хутба қилаётган пайтда жим туриш талаб этилади.**

لَعَلَّكُمْ وَأَنْصِتُوا لَهُ، فَاسْتَمِعُوا الْقُرْآنَ قُرْبًا وَإِذَا

تُرْحَمُونَ ﴿٢٠٤﴾

**«Қуръон тиловат қилинганда унга қулоқ солинглар ва жим туринглар! Шояд раҳм қилинсангиз» (Аъроф сураси, 204-оят).**

Қози Байзовий раҳимаҳуллоҳ айтадилар: «Бу оят аслида намоз пайтидаги ҳолатга тегишли. Чунки ўша пайтларда имом намоз ўқиётганида иқтидо қилганлар бемалол гапиришарди. Бу эса, албатта, имомнинг қироатида қийинчилик туғдирарди. Шунинг учун Аллоҳ таоло уларни жим туришга буюрди. Бу оят хоҳ намозда, хоҳ бошқа ҳолатда бўлсин, Қуръон ўқиладиган пайтда жим туришга тарғибдир».

«Тафсири Жалололайн»да: «Хутбада Қуръон оятлари борлиги сабабли хутба пайтида гапиришдан қайтарилди», - дейилган.

هُلِّلَا يَضْرَسُ أَبَعِ نُبَا نَع  
هُلِّلَا لُؤْسَرَلَا قَ: لَاقَ أُمُهُ نَع  
: مَلَسَوِ هِيَ لَعُهُ لَلَا يَلَص

عَمُّجَلَا مَوِيَّ مَلَكْتَ نَمَ  
لَتَمَكَ وَهَفُ بَطَخِي مَامِإِلْ أَوْ  
يَدَّلْ أَوْ، أَرَأْفَسَا لِمُحَيِّ رَامِخْ لَأ  
تَسِيْلُ، تِصْنَانَا: هَلْ لُوقِي  
رَأْبَلْ أَوْ دَمَحْ أَوْ هَاوْرُ. «عَمُّجُ هَلْ  
يَنَأْرَبُّ طَلْ أَوْ»

*Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Имом хутба қилаётганида гапирган инсон китоб кўтариб олган эшакка ўхшайди. Ким унга: «Жим тур!» - деса, унинг ҳам жумаси кетибди», - дедилар».**

*Аҳмад, Баззор ва Табароний ривоят қилишган.*

Китоб юкланган эшакка ўхшатиладигандан мурод, бу инсоннинг қалби Аллоҳ таолонинг қўрқинчидан холилиги, амри маъруфдан ғофиллиги, тоатдан юз ўгирганлиги, маърузани эшитиб, савоб олиш ўрнига ўзини Аллоҳнинг азобига дучор қилганидир.

هُنَعُ هَلْ لَأ يَضَرُّ رَذِي بَأْنَعُ  
مَوِيَّ دِجَسَمَلَا تَلَخْدَ: لَأَقُ هُنَا  
هَلْ لَأ يَلَصُّ يَبْنَلْ أَوْ، عَمُّجَلَا

بُطُخَي مَلَسَ وَهَيْلَع  
يَبُأْنَم أَبِ يَرْقُ تُسَلَجَف  
يَبُنْ لَأَرْقَفِ بَعَكِ نُب  
مَلَسَ وَهَيْلَعُ هَلْ لَأِ يَلَص  
يَبُأْلُ تُلُقَفِ ، ءَأَرْبَ ءَرُوس  
ءَرُوسِ لَأِ هَذِهِ تَلَزَنَ يَتَم

مَلَوِ يَنْمَهَجَتَفِ : لَأَقِ  
ءَعَأَسُ تُتَكَمُ مُثِ ، يَنْمَلَكُي  
مَلَوِ يَنْمَهَجَتَفِ ، هُتَلَأَسُ مُثِ  
يَلَصُ أَمَلَفِ ، يَنْمَلَكُي  
هَيْلَعُ هَلْ لَأِ يَلَصُ يَبُنْ لَأِ  
كُتَلَأَسُ يَبُأْلُ تُلُقِ ، مَلَسَ وَ  
يَنْمَلَكُتُ مَلَوِ يَنْتَمَهَجَتَفِ

نَمَ كَلَّ امُّ يُبُّ اَلْاَقَفِ  
 تَوَعَّلَ امُّ اَلْاِكَّتِ اَلصَّ  
 يَّ لَصَّ يُّبُّ نَلَّ اِ يَلَّ اُتُّبَّ هَدَّفِ  
 تُتُّ لُقَفِ مَّ لَسَّ وِ هَيْ لَعُّ هَلَّ لَّ ا  
 بُّ نَجُّبُ تُنُّ كُ هَلَّ لَّ ا يُبُّ نَّ اِ  
 هَءَا رَبُّ اُرُقَّتْ تُنَّ اُ وِ يُّبُّ اُ  
 هِذَهٗ تَلَزَنُ يَّتَمُّ هُتُّ لَّ اُسَفِ  
 مَلَّ وِ يُّنَّمَّ هَجَّتْ فِ هُءَا رُوسُ لَّ a  
 نَمَ كَلَّ امُّ اَلْاَقِ مَّ ثُ ، يُّنَّمَّ لَّ كُ يُّ  
 لَّ اَقِ ، تَوَعَّلَ امُّ اَلْاِكَّتِ اَلصَّ  
 هَيْ لَعُّ هَلَّ لَّ a يُّ لَصَّ يُّبُّ نَلَّ a  
 هَاوَرُ . «يُّبُّ اُقَدَّصُ» : مَّ لَسَّ وِ  
 دَمُّ حَا





بُطِخَتْ تَنْ أَوْ مَلَكْتَ تِي نَاكَ  
هَلَلَا يَلَّصُ يَبْنَلَا لَاقَفُ  
«ذُعَسَ قَدَصُ» : مَلَسَ وَ هِيَ لَع  
رَأَبَلَاوِ يَلْغِي وَبَأُ هَاوِرُ

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу бир кишига: «Бугун жума намозингиз ўрнига тушмади», - деди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Нега ундай дейсиз, эй Саъд?» - деган эдилар, «Сиз хутба қилиб турган пайтингизда бу киши гапирди», - деди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Саъд тўғри айтди», - дедилар».

Абу Яъло ва Баззор ривоят қилишган.

يَضَرُّ وَرَمَعُ نَبِ هَلَلَا ذُبَعُ نَع  
يَبْنَلَا نَع ، أَمْ هُنَّ هَلَلَا  
مَلَسَ وَ هِيَ لَعُ هَلَلَا يَلَّصُ  
ةَثَالَتَ ةُغُمُجَلَا رُضْحِي « : لَاقُ  
وَهُوَ وَغَلِي أَرَضَحُ لُجَرِي رِفَن  
، وَغَدِي أَرَضَحُ لُجَرُو ، أَهُنَّ هُظَحُ

نِإِ لَجَوَّ زَعَه لَلَا اَعْدُ لُجَرَ وَهَف  
هُعَنَمَ ءَاشُ نِإِوُ هَاطَعَأْ ءَاشُ  
تَاصُنِإِبِ اَهَرَ ضَحُ لُجَرَو  
هَبَقَرُّ طَخَتَيِّ مَلَوِ تِوُكُسَو  
يَهَفِ ، اَدَحِ اِذُويِّ مَلَوِ ، مَلُسُمِ  
يَتُّلَا هَعُمُجَلَا يَلِإِ هَرَأَفَكِ  
يُمَأَيَا هَثَالَتِ هَدَايَزَو اَهِيَلَتِ

«: يَلِاَعَتِ هَلَلَا لُوقِبَ كِلَدَو

يُجَزَى فَلَا بِالسَّيِّئَةِ جَاءَ وَمِنْ مِّنْهَا خَيْرٌ فَلَهُ بِالْحَسَنَةِ جَاءَ مَنْ

هَاورِ » يَعْمَلُونَ كَانُوا مَا إِلَّا السَّيِّئَاتِ عَمِلُوا الَّذِينَ

# دُوَادُ وَبَأْ

*Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Жумага уч хил одам ҳозир бўлади. Бир одам унга лағв қилиш учун ҳозир бўлади. Унинг жумадан насибаси ўшадир. Бир одам унга дуо қилиш учун ҳозир бўлади. У Аллоҳ азза ва жаллага дуо қилади. У Зот эса хоҳласа беради, хоҳласа ман қилади. Яна бир одам унга жимлик ва сукут ила ҳозир бўлади. Ҳеч бир мусулмоннинг елкасини туртиб ўтмайди. Ҳеч кимга озор бермайди. Ана ўша жума унинг учун келаси жумагача ва яна уч кун зиёдаси ила каффоротдир. Чунки Аллоҳ таоло: «Ким бир яхшилик келтирса, унга ўн мисли берилур», - деган».**

*Абу Довуд ривоят қилган.*

**«Жума ҳақидаги оят ва ҳадислар» китобидан**